

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2019 йил апрель ойининг 26-куни жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи Р.Қ.Қутибеков, А.Т.Алиқуловнинг котиблигида, тарафлардан Денов туман прокурорининг ўринбосари Б.Гаппаров, прокурор ёрдамчиси Х.Кенжаев ва Ж.Мустафоқулов, судланувчи ВВВ, БББларнинг ҳимоячиси И.Тошев, судланувчи ААА ва ГГГнинг ҳимоячиси Б.Жабборов, судланувчи ДДДнинг ҳимоячиси М.Менгноров, фуқаровий даъвогар М.Исломовларнинг иштирокида, БББ, ВВВ, ДДД, ГГГларга оид №1-1912-1901/18- сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра

Судланувчи - ААА, 1970 йил 7 сентябрь куни Узун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида технолог бўлиб ишлайди, Узун туман “Янги куч” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида “гаров” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи - БББ, 1985 йил 5 июн куни Узун туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимон ёрдамига муҳтож эмас, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, оилали, 1 нафар фарзандлари бор, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти қошидаги пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршиноси бўлиб ишлаган, Узун туман “Меҳнат” маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2018 йил 27 октябрь кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи – ВВВ, 1959 йил 27 июль куни Жарқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам Жиноят ишлари бўйича

Жарқўрғон туман судининг 2008 йил декабрь ойидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида техник чигитни истеъмолчиларга жўнатиш бўйича масъул ходим, концентратор бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вақтинча ишсиз, Жарқўрғон туман А.Навоий маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2018 йил 27 октябрь кунидан камоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи – ГГГ 1976 йил 29 август кунини Узун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятига қарашли “Файзова” пахта тайёрлов масканида 2-зона товаршуноси бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вақтинча ишсиз, Узун туман “Файзова” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида “гаров” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи – ДДД 1978 йил 3 май кунини Сариосиё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2005 йил 19 сентябрь кунинидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий

жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2013 йил 10 июль кундаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 45,59-моддаларига асосан бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятига қарашли “Қоратоғ” пахта тайёрлов масканида 2-зона товаршуноси бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вақтинча ишсиз, Сариосиё туман “Шахриобод” маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2019 йил 10 январь кундан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, тарафларнинг музокара нутқлари, судланувчиларни охириги сўзларини эшитиб, уларни жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан солиштириб таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ААА “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг бош механиги лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра мансабдор шахс бўла туриб, терговда аниқлаш имконияти бўлмаган шахслар билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, жавобгарлигига топширилган 47 минг 214 сўмлик 1 дона “Циклон ЦК-6” қуритиш ва тозалаш цехини, 329 минг 362 сўмлик 1 дона “Ўт ўчириш камераси”ни, 101 минг 987 сўмлик 3 комплект “Циклон шенек тозалаш цехи”ни, 103 минг 62 сўмлик 1 дона “ТСЛ тозалаш цехи”ни, 68 минг 363 сўмлик 2 дона “1-ХКА” тозалаш агрегатини, 49 минг 887 сўмлик 9 дона “чигит узатиш шенеги”ни, 318 минг 732 сўмлик 1 дона 10 тонналик “Механик бункер тарозиси”ни, 52 минг 777 сўмлик “иситиш қозони”ни, 499 сўмлик 2 метр ҳажмдаги пахта сурувчи

трубаларни, 285 минг сўмлик 3 дона металл каркас стулларни, 1 млн. 584 минг сўмлик 96 дона “Колосник ДП” ускунасини, 1 млн. 234 минг 77 сўмлик 1 дона пармалаш ускунасини, 22 млн. 380 минг 422 сўмлик 1 дона “Колонна приводная ДБ-8237” русумли ускунасини, 20 млн. 981 минг 780 сўмлик 1 комплект “ДБ-823424002” русумли ускунасини, 19 млн. 859 минг 339 сўмлик 1 дона “Джин рингатор” ускунасини, 11 млн. 808 минг 688 сўмлик 1 комплект “пресс плита ленточный обвязкий” ускунасини, 11 млн. 659 минг 199 сўмлик 1 комплект “ремкомплект УН 100/320” русумли ускунасини, 6 млн. 211 минг 123 сўмлик 1 дона “цилиндр колонна под корпус” ускунасини, 10 182 426 сўмлик 1 дона “гидро пресс цилиндр” ускунасини, 73 млн. 600 минг сўмлик 4 минг дона “пилька ЧХ” ускунасини, жами 180 млн. 857 минг 936 сўмлик моддий товар бойликларни сотиб, сотишдан тушган пул маблағини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб келиб, ўзининг содир этган жиноятини яшириш ва жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида расмий хужжат ҳисобланган ҳисобот хужжатларига била туриб сохта маълумотлар киритиб, жамиятнинг 180 857 936 сўмлик жуда кўп миқдордаги мол-мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

БББ 2016 йил апрель ойидан 2017 йил июль ойига қадар “Узун пахта тозалаш” АЖ жамият қошидаги пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси-катта классификатори вазифасида ишлаб келиб, 2016 йил пахта мавсумида терговда аниқлаш имкони бўлмаган пахта етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига пахта хом ашёсини нақд пулга сотиб, сотишдан тушган пул маблағини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб келиб, содир этган жиноятини яшириш, жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан турли техникаларда олиб келинган пахта хом ашёсига нисбатан амалда қабул қилинмаган жами 193 667 800 сўмлик 258,5 тонна пахта хом-ашёсини гўёки қабул қилинганлиги ҳақида 7-ХЛ шаклдаги омбор китоби, ПК-17 шаклдаги қабул варақалари, 1-СХ шаклдаги пахта статистик ҳисоботлари расмийлаштириб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, расмий хужжат ҳисобланган юк хатларига сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли билан қўшиб ёзиб, била туриб ҳақиқатда қабул қилинмаган пахта хом-ашёси учун расмий хужжатларни тўловга тақдим қилганлиги натижасида жамиятнинг 193 667 800 сўмлик маблағларини пахта хом-ашёси етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларига тўлаб берилишига эришиб, жамиятнинг 193 667 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли талон-торож қилган.

БББ ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 4.101,0 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун 28-ХЛ шакл ишлаб чиқариш топшириқномаси расмийлаштириб ишлаб чиқаришга топшириб, содир этган жиноятини яшириш мақсадида, фермер хўжаликларидан 420 ҳолатда 6-13 партияларга жамланган 1 навли, 1 синфга мансуб бўлган 1 156 690 килограмм Наманган-77 селекция навидаги пахта хом ашёсини Порлоқ нави

деб ПК-17 қабул варақаси расмийлаштириб, селекция нави ўзгартирилиши ва пахта хом ашёсидан олинадиган маҳсулотларини нотўғри қўллаш йўли билан 168 753 килограмм пахта хом ашёсини меъёрдан ортиқча чиқим қилиб, ўзи томонидан қўшиб ёзилган пахта хом ашёсини камомоди қоплаш учун сохта ҳужжатлар расмийлаштирган.

БББ жиний ҳаракатларини давом эттириб, 3.748,6 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун 28-ХЛ шакл ишлаб чиқариш топшириқномаси расмийлаштириб, ишлаб чиқаришга топшириб, содир этган жиниятини яшириш ва жиний жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ундан қасддан фойдаланиб, пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 29.07.2016 йилдаги 118-и/ч-сонли, “Пахтасаноат” илмий марказининг 26.07.2016 йилдаги 192-и/ч-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” марказининг 02.08.2016 йилдаги 113-п-сонли “Пахтани селекцион навлари бўйича чиқадиган маҳсулотлар ва асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги қуйиндиларнинг меъёрлари тўғрисида”ги қўшма буйруғига асосан белгиланган меъёр бўйича 1286,6 тонна (34,3%) ўрнига ҳақиқатда 1288,6 тонна (34,4%) тола, 1980,9 тонна (52,8%) ўрнига ҳақиқатда 1955,5 тонна (52,2%) чигит, 71,1 тонна (1,9 %) ўрнига ҳақиқатда 90,2 тонна (2,4%) момик, 40,4 тонна (1,1 %) ўрнига ҳақиқатда 37,8 тонна улюк, 156,6 тонна (4,2%) ўрнига ҳақиқатда 163,6 тонна (4,4 %) калта момик (ПУХ), 212,9 тонна (5,7 %) ўрнига 212,9 тонна (5,7 %) қуйинди чиққанлиги ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирган.

ВВВ 2016 йил сентябрь ойидан 2018 йил апрель ойига қадар “Узун пахта тозалаш” АЖ техник чигитни истеъмолчиларга жўнатиш бўйича масъул ходим, концентратори вазифасида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра, тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилган мансабдор шахс бўла туриб, 2016 йил пахта мавсумида терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахслар билан жиний тил бириктириб ўзларига ишониб топширилган пахта хом ашёсидан жами 85 499 400 сўмлик 93,2 тонна чигит маҳсулотини терговда аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахсларга сотиб, сотишдан тушган пул маблағини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, содир этган жиниятини яшириш мақсадида пахта хом-ашёси гўёки мавжудлиги ҳақида ҳисоботлари расмийлаштириб, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган пахта хом-ашёси қайта ишлашга берилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, жамиятнинг 85 499 400 сўмлик кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш йўли талон-торож қилишган.

ВВВ ўзининг жиний ҳаракатларини давом эттириб, терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан ўзаро жиний тил бириктириб, 1.571,8 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун 28-ХЛ шакл ишлаб чиқариш топшириқномаси расмийлаштириб ишлаб чиқаришга топшириб, содир этган жиниятини яшириш мақсадида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида “Ўзпахтасаноат” АЖнинг

29.07.2016 йилдаги 118-и/ч-сонли, “Пахтасаноат” илмий марказининг 26.07.2016 йилдаги 192-и/ч-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Сифат” марказининг 02.08.2016 йилдаги 113-п-сонли “Пахтани селекцион навлари бўйича чиқадиган маҳсулотлар ва асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги қуйиндиларнинг меъёрлари тўғрисида”ги қўшма буйруғига асосан белгиланган меъёр бўйича 1437,6 тонна (34,1%) ўрнига ҳақиқатда 1412,6 тонна (33,5%) тола, 2221,6 тонна (52,7%) ўрнига ҳақиқатда 2151,6 тонна (51,0%) чигит, 81,1 тонна (1,9 %) ўрнига ҳақиқатда 84,9 тонна (2,0%) момик, 45,1 тонна (1,1 %) ўрнига ҳақиқатда 45,6 тонна улюк, 176,2 тонна (4,2%) ўрнига ҳақиқатда 267,0 тонна (4,2 %) калта момик (ПУХ), 254,5 тонна (6,0 %) ўрнига 254,5 тонна (6,0 %) қуйинди чиққанлиги ҳақида хужжатлар расмийлаштирган.

ВВВ жиноий ҳаракатларини давом эттириб, жамият қошидаги пахта қабул қилиш маскани катта товаршуноси БББ, “Қоратоғ” пахта қабул қилиш маскани катта классификатори ДДД ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2016 йил пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлардан 215 279 300 сўмлик 434,2 тонна техник чигитни, 44,3 тонна 7 520 300 сўмлик пух, 5,4 тонна 1 303 700 сўмлик улюк маҳсулотини сохта юк хатлари билан корхонадан олиб чиқиб, тергов жараёнида аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб, сотишдан тушган пул маблағини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, расмий хужжат ҳисобланган юк хатлари, ҳисобот хужжатларига била туриб сохта маълумотлар киритиб, 2016 йил сентябрь ойидан 2017 йил июнь ойига қадар жуда кўп миқдордаги 224 103 300 сўмлик 434,2 тонна техник чигит, пух ва улюк маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

ГГГ “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятига қарашли “Файзова” пахта тайёрлов маскани мудури ва 2-зона товаршуноси лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимида кўра мансабдор ва моддий жавобгар шахс бўла туриб, терговда аниқлаш имконияти бўлмаган фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, 2016 йил пахта мавсумида терговда аниқлаш имкони бўлмаган пахта етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига пахта хом ашёсини нақд пулга сотиб, сотишдан тушган пул маблағини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб келиб, ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан турли техникаларда олиб келинган пахта хом ашёсига нисбатан амалда қабул қилинмаган жами 29 537 860 сўмлик 44 тн. 105 кг. пахта хом-ашёси гўёки қабул қилинганлиги ҳақида 7-ХЛ шаклдаги омбор китоби, ПК-17 шаклдаги қабул варақалари, 1-СХ шаклдаги пахта статистик ҳисоботлари расмийлаштириб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, расмий хужжат ҳисобланган юк хатларига сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли билан қўшиб ёзиб, била туриб ҳақиқатда қабул қилинмаган пахта хом-ашёси учун расмий хужжатларни тўловга тақдим қилганлиги натижасида жамиятнинг 29 537 860 сўмлик маблағларини пахта хом-ашёси етиштирувчи

хўжалик юритувчи субъектларига ноқонуний равишда ортиқча тўлаб берилишига эришиб, жамиятнинг 29 537 860 сўмлик анча миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли талон-торож қилган.

ДДД 2016 йил сентябрь ойидан 2017 йил январь ойига қадар “Узун пахта тозалаш” АЖ “Қоратоғ” пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси-катта классификатори вазифасида ишлаб келиб, эгаллаб турган мансаб ваколатига кўра, тўлиқ моддий жавобгар шахс бўла туриб, 2016 йил пахта мавсумида терговда аниқлаш имкони бўлмаган пахта етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига пахта хом ашёсини нақд пулга сотиб, ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан турли техникаларда олиб келинган пахта хом ашёсига нисбатан амалда қабул қилинмаган жами 252 066 023 сўмлик 252,0 тонна пахта хом-ашёси гўёки қабул қилинганлиги ҳақида 7-ХЛ шаклидаги омбор китоби, ПК-17 шаклдаги қабул варақалари, 1-СХ шаклдаги пахта статистик ҳисоботлари расмийлаштириб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, расмий ҳужжат ҳисобланган юк хатларига сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли билан қўшиб ёзиб, била туриб ҳақиқатда қабул қилинмаган пахта хом-ашёси учун расмий ҳужжатларни тўловга тақдим қилганлиги натижасида, жамиятнинг 252 066 023 сўмлик 252,0 тонна пахта хом-ашёси етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларига тўлаб берилишига эришиб, ўзганинг 252 066 023 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли талон-торож қилган.

ДДД жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2.228,3 тонна пахта хом ашёси қайта ишлаш учун 28-ХЛ шаклда ишлаб чиқариш топшириқномаси расмийлаштириб ишлаб чиқаришга топшириб, содир этган жиноятини яшириш ва жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, фермер хўжаликларидан қабул қилинган 954.740 килограмм Наманган-77 селекия навидаги пахта хом ашёсини Порлоқ нави деб ПК-17 қабул варақаси расмийлаштириб, селекция нави ўзгартирилиши ва пахта хом ашёсидан олинадиган маҳсулотларини нотўғри қўллаш йўли билан 127,4 тонна 163 212 000 сўмлик пахта хом ашёсини меъёрдан ортиқча чиқим қилиб, қўшиб ёзилган пахта хом ашёсини камомади қоплаш учун сохта ҳужжатлар расмийлаштирган.

ДДД жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2228,3 тонна пахта хом ашёси қайта ишлаш учун 28-ХЛ шаклда ишлаб чиқариш топшириқномаси расмийлаштириб ишлаб чиқаришга топшириб, содир этган жиноятини яшириш ва жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ундан қасддан фойдаланиб, пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 29.07.2016 йилдаги 118-и/ч-сонли, “Пахтасаноат” илмий марказининг 26.07.2016 йилдаги 192-и/ч-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” марказининг 02.08.2016 йилдаги 113-п-сонли “Пахтани селекцион навлари бўйича чиқадиган маҳсулотлар ва асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги қуйиндиларнинг меъёрлари тўғрисида”ги қўшма буйруғига

асосан белгиланган меъёр бўйича 749,9 тонна (33,7%) ўрнига ҳақиқатда 752,4 тонна (33,8%) тола, 1174,4 тонна (52,7%) ўрнига ҳақиқатда 1174,4 тонна (52,7%) чигит, 43,9 тонна (2,0 %) ўрнига ҳақиқатда 49,2 тонна (2,2%) момик, 23,0 тонна (1,0 %) ўрнига ҳақиқатда 21,8 тонна (1,0) фоиз улюк, 95,6 тонна (4,3%) ўрнига ҳақиқатда 88,4 тонна (4,0 %) калта момик (ПУХ), 141,6 тонна (6,4 %) ўрнига 141,6 тонна (6,4 %) куйинди чиққанлиги ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган ААА ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, айбига иқрорлик билдириб, «Узун пахта тозалаш» АЖда бош механик вазифасига ишлаб келишлигини, жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликлар санокдан ўтказилганда, жавобгарлигидаги товар моддий бойликлар билан солиштириб кўрилганда, жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликлардан 7 ҳолатда 60 дона ошиқча, 19 ҳолатда 128 дона камомад борлиги аниқланганлигини, бундан ташқари пилка ЧХ эҳтиёт қисмларидан ҳам камомад аниқланлигини, ҳақиқатдан ҳам 4 000 000 дона пилкаларни ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қайтариб берганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган БББ ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, 2016 йил август ойидан 2017 июнь ойига қадар “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида жамият қошидаги пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси ҳамда маскан мудури лавозимида ишлаб келганлигини, пахта қабул қилиш масканида Пахта-2016 ҳосилини қабул қилиш жараёнида 20 нафар асосий ва 30 яқин мавсумий ишчи ходимлар ишлашганлигини, тафтиш жараёнида жами 215 279 300 сўмлик камомад борлиги аниқланганлигини, бухгалтерия ҳисоботларини ҳисобчи олиб борганлигини, масканга фермер хўжаликлари томонидан келтирилган пахта хом ашёси дастлаб, 1-зона товаршуноси томонидан қабул қилиниб, пахтадан анализ учун намуналар олиб, сўнгра у пахта хом ашёсини ўлчаш ва қабул қилиш учун 2-зонага юборилишлигини, пахта хом ашёси тарозида ўлчаниб, қабул қилиниши тўғрисидаги 1-СХ шаклидаги товар транспорт юк хати ва тарози китобига умумий оғирлиги ёзилиб, пахтани тушириш ва текшириш учун масканнинг 3-зонасига юборилишини, ўз навбатида 3-зона товаршуноси томонидан пахта хом-ашёси тўлиқ кўздан кечирилиб, тушириб олиб, юк хатини имзолаб беришини, 2016 йил пахта мавсумида жами 4025 тонна пахта хом ашёсини қабул қилиб, ушбу қабул қилинган пахта хом ашёсини 7-ХЛ шаклдаги омбор китоби, ПК-17 қабул варақалари ҳамда 1-Пахта статистик ҳисоботларида қайд қилиб тегишли ҳужжатларни жамият ҳисобхонаси ва бошқа масбул ходимларга топширганлигини, лекин қабул қилган пахта хом ашёсини қайта ишлашга топширганлигини, шу жараёнда пахта хом ашёси кам эканлиги аниқланганлигини, пахта ёки чигит маҳсулотларини сотмаганлигини, пахта хом ашёси электрон тарозида ўлчаб олинишлигини, ҳеч қандай қўшиб

ёзишлар бўлмаганлигини, фақат пахта хом ашёсини қабул қилиб олганлигини, ишлаб чиқаришга умуман аралашмаганлигини, ишлаб чиқаришни назорат қилмаганлигини, чунки жамият директори рухсат бермаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жамиятга етказилган зарарларни 70 фоизидан ортиқроғини нақд ва натура шаклида тўлаганлигини, қолган қисмини тез кунларда тўлаб беришлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида шифокор иштирокида сўроқ қилинган судланувчи ВВВ ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, айбига иқдорлик билдириб, 2016 йил август ойидан 2017 июнь ойига қадар “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида транзит товаршунос ва техник чигитни истеъмолчиларга жўнатиш бўйича масъул ходим лавозимида ишлаб келганлигини, вазифасига хўжаликлардан пахта маҳсулотларини қабул қилиш, уларни тегишли тартибда жамиятга ишлаб чиқариш учун юбориш, тола, чигит ва бошқа маҳсулотларини тегишли ташкилотларга чиқим қилиш, қайта ишлаш натижасида олинган техник чигитни қабул қилиб олиш, унинг талон тарожига йўл қўймаслик, тегишли хужжатларга асосан истеъмолчиларга жўнатиш ҳамда ҳисоботларни тузиш ва бошқа шу кабилар киришлигини, пахта хом ашёсини жамиятга қарашли 3 та пунктдан қабул қилиб, ишлаб чиқаришга берганлигини, жамиятда тўртта пункт мавжудлигини, пахта хом ашёсига шира тушиши оқибатида касаллик пайдо бўлиб, шундан камомад чиқиб келганлигини, ҳеч ким билан тил бириктирмаганлигини, чигит маҳсулотларидан ишлаб чиқариш пайтида камомад келиб чиққанлигини ростлигини, келиб чиққан камомадлар бўйича раҳбариятга маълумотнома қилиб берилганлигини, 2016 йил ҳосили бўйича кўп ёмғиргарчилик бўлганлиги боис, пахта март ойига ҳам экилганлигини, шу ҳисобда пахта тўлиқ пишмаганлиги сабабли, чигит ўз вазнини бермаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни натура шаклида қоплаб берганлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган ГГГ ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, 2016 йил 28 июль кунидан “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятига қарашли “Файзова” пахта қабул қилиш маскани мудири ва 2-зона товаршуноси лавозимида ишлаб келганлигини, тафтиш жараёнида 29 537 860 сўмлик камомад борлиги аниқланганлигини, камомадни тўлиқ нақд пул шаклида қоплаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган ДДД ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, айбига қисман иқдорлигини билдириб, 2016 йилнинг 14 сентябрь кунидан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятига қарашли “Қаратоғ” пахта қабул қилиш маскани товаршуноси вазифасида

ишлаб келганлигини, ишлаб келган пахта қабул қилиш масканида Пахта-2016 ҳосилини қабул қилиш жараёнида 20 нафар асосий ва 30 яқин мавсумий ишчи ходимлар ишлаганлигини, пахта хом ашёсини дастлаб 1-зона товаршуноси томонидан қабул қилиниб, пахтадан анализ учун намуналар олинишлигини, кейин у пахта хом ашёсини ўлчаш ва қабул қилиш учун 2-зонага юборилишини, маскан ҳудудидаги тарозида пахтанинг оғирлигини транспорт воситаси билан биргаликда ўлчаб, пахта етиштирувчи хўжаликлардан қабул қилиниши тўғрисидаги 1-СХ шаклидаги товар транспорт юк хати ва ўзининг тарози китобига умумий оғирлигини ёзиб, пахтани тушириш ва текшириш учун масканнинг 3-зонасига юборганлигини, 3-зона товаршуноси томонидан пахта хом-ашёси тўлиқ кўздан кечирилиб, тушириб олинганлигини ва юк хатини имзолаб берганлигини, жамиятга ўтказилган тафтишда жавобгарлигидаги 252 660 230 сўмлик пахта хом ашёсидан камомад борлиги аниқланганлигини, ушбу пахта хом ашёсидан камомад келиб чиқишига асосий сабаб пахта хом ашёсини касалликка учрагани деб ҳисоблашлигини, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ёшдаги онаси ва марҳум акасининг фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган Исломов Махманазар Қурбонович ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, “Узун пахта тозалаш” АЖда ҳуқуқшинос бўлиб ишлашлигини, ҳақиқатдан ҳам “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида ўтказилган тафтиш жараёнида, Мадумаров Каромиддин томонидан 180 857 936 сўм, БББ томонидан 279 300 000 сўм, ГГГ томонидан 29 537 860 сўм, ВВВ томонидан 224 103 300 сўм, ДДД томонидан 215 279 300 сўмлик камомадлар борлиги аниқланганлигини, судланувчилар томонидан етказилган зарар қисман қопланганлигини, улардан етказилган зарарларни қолган қисмини ундириб беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Рўзиев Номоз Алланазарович ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, Давлат хавфсизлик хизмати тергов бошқармасининг тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарори ва Давлат солиқ бошқармасининг бўйруғига асосан «Узун пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январ кунидан 2017 йил 1 июн кунига қадар бўлган молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан тақдим қилинган бирламчи хужжатлар ва қарорда белгиланган ҳолатлар асосида текшириш ўтказганлигини, текшириш натижасига кўра жамият қошидаги пахта тайёрлаш маскани катта классификатори БББ жавобгарлигидаги 334 420 500 сўмлик 343,5 тонна пахта хом ашёси, “Қоратоғ” пахта тайёрлаш маскани катта классификатори ДДД жавобгарлигидаги қиймати 178 386 800 сўмлик 161,8 тонна пахта хом ашёси, жамиятнинг “Файзово” пахта тайёрлаш маскани катта классификатори ГГГ жавобгарлигидаги 114 269 600 сўмлик 136,4 тонна пахта хом ашёси, моддий

жавобгар шахслари ВВВ ва БББлар жавобгарлигидаги техник чигит 2017 йил 24 апрел ҳолатига санокдан ўтказилганда қиймати 302 637 000 сўмлик 434,2 тонна чигит камодаи аниқланганлигини, Мадумаров Каромиддиннинг жавобгарлигида бўлган мулк тергов жараёнида тўлиқ қайтарилганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Номозов Йўлдош Хайитмаматович ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, “Узун пахта тозалаш” АЖ қошидаги “Файзово” пахта қабул қилиш масканида биринчи ҳудуд таваршиноси лавозимида ишлаганлигини, товаршинос вазифасига хўжалик юритувчи субектлар томонидан келтирилган пахта хом ашёсидан олинган наъмуналарни давлат стандартларига мослигини ўрганиш ва бошқалар киришлигини, хўжалик юритувчи субектор томонидан келтирилган пахталарни олиб, лабораторияга жўнатиб накладной тўлдиришлигини, лаборатория хулосаларига қараб сортига қараб нави ажратилишлигини, ишлаган даврида хўжалик юритувчи субектоар томонидан олиб келинган пахтани амалдаги миёрларга асосан қабул қилиб олганлигини, ифлос ва нам пахталарни ҳам аниқланган ҳолатига қараб белгиланган сортларда қабул қилганлигини, судланувчиларни яхши танишлигини, улар билан ораларида шахсий адоватлари йўқлигини, судланувчиларни камомадлари ва ўзлаштиришганлиги тўғрисида ҳеч нарсани билмаслигини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Яров Чори Ортиқович ўзининг кўрсатмасида, дастлабки терговда берган кўрсатмасини тасдиқлаб, 2016 йилдан 2018 йил 1 июль кунига қадар “Узун пахта тозалаш” АЖда омбор мудир вазифасида ишлаб келганлигини, ўтказилган текширишда «Узун пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан 2016 йил пахта ҳосили учун тайёрланган пахта хом-ашёсини “Қаратоғ” пахта қабул қилиш пункти томонидан қабул қилинган пахта хом ашёсини, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш юзасидан дастлабки ва кейинги ўтказилган текширишлар жараёнида ДДД томонидан 252 660 230 сўмлик камомадга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, текширишда аниқланган камомаддан 178 386 800 сўмлик эҳтиёт қисмларни натура шаклида жамиятга ҳужжат асосида топширишганлигини, ушбу эҳтиёт қисмларни қабул қилиб олишганлигини, ҳозирги кунда ушбу эҳтиёт қисмлар омборда сақланаётганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Омонов Улуғбек Шукурлаевич ўзининг кўрсатмаста, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти раҳбари лавозимида ишлашлигини, ҳақиқатдан ҳам жамиятда ўтказилган тафтиш жараёнида судланувчилар томонидан ўзлаштиришлар аниқланганлигини, судланувчилар томонидан етказилган зарар натура шаклида қопланганлигини, судланувчилар томонидан жамиятнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар топширилганлигини, жамиятнинг судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Алиев Ўткир Асатуллаевич ўзининг кўрсатмасида, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси лавозимида ишлашлигини, ҳақиқатдан ҳам жамиятда ўтказилган тафтиш жараёнида судланувчилар томонидан ўзлаштиришлар аниқланганлигини, судланувчилар томонидан етказилган зарар натура шаклида қопланганлигини билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи ААА, БББ, ВВВ, ДДД, ГГГлар ўзларига қўйилган айбларга иқрорлик билдирган бўлсаларда, уларнинг айблари судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатмалари, дастлабки терговда сўроқ қилинган ва суд мажлисида муҳокама қилинган гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят ишларида мавжуд бўлган текшириш хулосалари ва далолатномалар, уларга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан АААнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан, БББ, ВВВ ва ДДДларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан, ГГГнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, АААнинг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, БББнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар қисман қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, ВВВнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, ДДДнинг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, ГГГнинг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, БББ, ВВВ ва ДДДнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-

моддасининг 1-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддасига асосан жиноятлар мавмуи деб топиб, БББ, ВВВ ва ДДДларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан жавобгарликка тортишни лозим топди.

Суд, АААга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми санкциялари доирасида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, узил-кесил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, гаровга қўйилган ҳамда ҳозирги кунда вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4 500 000 сўми АААга қайтаришни, ААА томонидан етказилган зарар тўлиқ қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Суд, БББга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми санкциялари доирасида, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайин этилган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлигини белгилашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топди.

Суд, ВВВга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми санкциялари доирасида, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида

узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайин этилган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлигини белгилашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топди.

Суд, ДДДга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми санкциялари доирасида, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайин этилган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлигини белгилашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топди.

Суд, ГГГга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисми, 209-моддасининг 1-қисми санкциялари доирасида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, узил-кесил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, гаровга қўйилган ҳамда ҳозирги кунда вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4 054 600 сўмни ГГГга қайтаришни, ГГГ томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни лозим топди.

Суд, ААА, БББ, ВВВ, ДДДларга нисбатан қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиб, улар содир этган жиноятларини бевосита иш фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда содир этишганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан қўшимча жазо тариқасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топди.

Суд, ГГГга нисбатан қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, етказилган зарар

миқдорини, қаромоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасликни лозим топди.

Суд, иш бўйича етказилган зарарларни қоплаш мақсадида тўланган ҳамда ҳозирги кунда Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлимнинг “Агробанк”даги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 35 137 000 сўм, вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 9 600 000 сўмни ҳукм қонуний кучга киргач “Узун пахта тозалаш” АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказишни лозим топди.

Суд, БББ, ВВВ ва ДДДлардан “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига 215 279 300 сўмни солидар тартибда ундиришни, БББдан 178 467 800 сўм, ВВВдан 94 323 400 сўм, ДДДдан 252 066 023 сўмни “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб ҳукм қилади,

Ҳ У Қ М

ААА, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ААА Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ҳар ойлик иш ҳақидан 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

АААга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақидан 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тайин этилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 25 фоиз давлат даромадига ундириш йўли билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин..

Жазони, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш у яшаётган ҳудуд бўйича Узун туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, унинг ойлик маошидан ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

АААга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаровга қўйилган ҳамда ҳозирги кунда вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4 500 000 сўм АААга қайтарилсин.

БББ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

БББ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 7 (етти) йил муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

БББ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тайин этилган озоликдан маҳрум қилиш жазоларини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 (етти) йил 1 (бир) ой муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2018 йил 27 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

БББга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

ВВВ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

ВВВ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 (олти) йил 6 (олти) ой муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

ВВВ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тайин этилган озоликдан маҳрум қилиш жазоларини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 (етти) йил муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2018 йил 27 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

ВВВга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

ДДД Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ДДД Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 7 (етти) йил муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

ДДД Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озоликдан маҳрум қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тайин этилган озоликдан маҳрум қилиш жазоларини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 (етти) йил 1 (бир) ой муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 10 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

ДДДга нисбатан қўлланилган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

ГГГ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ГГГга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақидан 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ГГГга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақидан 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайин этилган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ҳар ойлик иш ҳақидан 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш у яшаётган ҳудуд бўйича Узун туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, унинг ойлик маошидан ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ГГГга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаровга қўйилган ҳамда ҳозирги кунда вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4 054 600 сўм ГГГга қайтарилсин.

Иш бўйича етказилган зарарларни қоплаш мақсадида тўланган ҳамда ҳозирги кунда Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлимининг “Агробанк”даги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 35 137 000 сўм, вилоят прокуратурасининг Ипотека банкдаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 9 600 000 сўм ҳукм қонуний кучга киргач “Узун пахта тозалаш” АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилсин.

БББ, ВВВ ва ДДДлардан “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига 215 279 300 сўм солидар тартибда ундирилсин.

БББдан “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига 178 467 800 сўм ундирилсин.

ВВВдан “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига 94 323 400 сўм ундирилсин.

ДДДдан “Узун пахта тозалаш” АЖ фойдасига 252 066 023 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жинойт ишлари бўйича Денов туман суди орқали Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясига, апелляция шикоят билдирмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Р.Қ.Қутибеков

А с л и г а т ў ғ р и: